

**“КИТАБ АТ-ТАМСИЛ ВА-Л-МУҲАДАРАТ” АСАРИДАГИ
ТАМСИЛЛАРНИНГ ЭСТЕТИК МОҲИЯТИ ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯДАГИ
АҲАМИЯТИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11090076>

Расулхўжаев Сардорхўжа Гаффор ўғли

Тошкент давлат шарқшунослик университети магистранти,

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти

“Ҳадис ва ислом тарихи фанлари” кафедраси ўқитувчиси

e-mail: srasulkhodjayev@gmail.com

tel: +998971494244

Маълумки, бадий адабиёт сўз орқали инсонни эзгу ғоялар сари даъват қилади. Хоҳ наср, хоҳ назм шаклида бўлсин, қайси бадий санъат кўлланган бўлсин, унда инсоний қадриятлар мадҳ этилади. Гоҳида ҳикоя ёки роман кўринишида бўлиб, ёзувчи асардаги ҳодисалар орқали бирор ғояни илгари суради. Гоҳо эса асар қаҳрамони вазият тақозоси билан бирор сўз айтадию, бутун асарнинг мақсад-муддаоси шу иборада акс этади. Ўқувчининг онгушуурига кириб боради.

Аксарият ҳолатларда кўзланган маъно тингловчига тушунарлироқ бўлиши учун бирор ўхшатиш, далил, мақол ёки шеъринг парча кабилардан фойдаланилади. Бу амалиёт бадий адабиётда тамсил санъати деб номланиши ўтган боблар зикр этилди.

Ҳар бир тамсил алоҳида турларга: мақол, матал, қитъа ва ҳоказоларга мансуб бўлиши мумкин. Бироқ мазмунни очиқлаш мақсадида келтирилганда уларнинг бари бир доирага – тамсил доираси ичига дохил бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, тамсиллар қисқа иборалар билан катта маъно-мазмунни ифода қилади.

Тамсиллар инсонга эстетик завқ-шавқ манбаи бўлиши билан бир каторда, умуминсоний қадриятлар, олижаноб фазилатларга ўргатади. Одамларда воқеликка нисбатан ҳиссий муносабатни шакллантиради. Ҳаётни теранроқ кузатиш, ўрганиш ва билиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари тарбия воситаси ҳамдир. Кўзланган мақсадни яхшироқ тушунтириш орқали тингловчини бирор қарор қабул қилишга, хулоса чиқаришига сабаб бўлади.

Мунтазам бадиий адабиёт мутолааси билан ошно бўлган кишида тамсилларни тез-тез учратиши натижасида ўзида ҳам бадиий-эстетик дид кучаяди, дунёқараши янада ижобий томонга ўзгариб боради. Кундалик ҳаётида рўй бераётган ишлари асносида тамсиллардан олган хулосалари орқали қарор қабул қила бошлайди.

Абу Мансур Саолибий “Ат-тамсил ва-л-муҳадарат” ни тузишда айнан шу жиҳатларни инобатга олгани тамсилларнинг маъно-мазмунидан яққол кўзга ташланади.

Қуйида ҳар бир бобда келтирилган тамсиллардан намуналар берилиб, уларнинг ҳар бири қандай маънони англатиши, қайси ҳолатларга тамсил қилиниши ва ўзида қандай тарбиявий кўрсатмаларни камраб олиши хусусида сўз боради.

Саолибий асар бошида гўзал ҳамду санолардан намуналар бераркан, умавийлар сулоласидан бир амир айтган қуйидаги иборани келтиради:

الحمد لله الذي إذا شئت أنزلت حاجتي به من غير شفيع.¹⁰⁰

“Аллоҳга ҳамд бўлсинки, хоҳлаган пайтимда бировни воситачи қилмасдан туриб Ўзига ҳожатимни айта оламан”.

Саолибий кўшлаб ҳамду сано иборалари ичидан айнан шуни танлагани мулоҳазага лойиқ. Бу орқали муаллиф киши ҳаётда бировга каттиқ суяниб қолмаслиги, фақат яратганга таяниши лозимлигини уқтирмақда. Зеро, ишонган кишингиз ким бўлишидан қатъи назар, бир кун ўзи ҳам ожиз қолиши мумкин.

Шу ўринда айтиш керакки, ҳамду сано айтиш мусулмон халқларга шу даражада сингиб кетганки, бирорта асар, ёзишма, учрашув ва суҳбатлар ҳамду саносиз бўлмаган. Олимлар, авом халқ, подшоҳу раият кундалик сўзлашувларида доим ҳамд айтганлар. Берган неъматлари учун Аллоҳга шукрни изҳор этганлар. Мусулмон бўлмаган халқларда эса бу борада сезиларли фарқ мавжуддир. Масалан, аҳли китоблар – яҳудий ва насронийларда фақат ибодат маҳалида ҳамдлар айтилади. Мажусийлар, буддистларда эса ҳамд деярли учрамайди.

Ҳамд мусулмонларга шу қадар сингиб кетган хусусият бўлгани учун, замонлар оша ҳамд айтишда турли ўзига хос иборалар шаклланган ва уларнинг айримлари машҳур бўлиб, асарлардан жой олган. Шунинг учун ҳам Саолибий ўзидан аввалги ёзувчиларнинг йўлидан бориб, китобини ҳам

¹⁰⁰ Абу Мансур Саолибий, “Китаб ат-тамсил ва-л-муҳадарат”. ЎзФа ШИ қўлёзмалар фонди. Қўлёзма. №1848 – III. 132 а-б.

ҳамд билан бошлаган, ҳам биринчи бобдаёқ машхур бўлган ҳамд ибораларини келтирган.

Қуйидаги ҳамд сийғаси ҳам ўзига хосдир:

الحمد لله الذي يقتل أولادنا ونحبه، قاله: عبد الملك بن مروان.

Умавийлар халифаси Абдулмалик ибн Марвон айтган: “Аллоҳга ҳамд бўлсин. У бизнинг болаларимизни ўлдирса ҳам, биз Уни яхши кўраверамиз”.

Саолибий тамсил ўлароқ келтирган ушбу ибора бир қарашда бироз ғайриоддий туюлиши мумкин. Сиртдан худди нолиётганга ўхшайди. Бироқ тамсилнинг тубига кириб борилса, кўзланган маъно кашф бўлиб боради.

“Болаларимизни ўлдирса ҳам, Уни яхши кўраемиз”. Яъни, бошимизга қандай кун келса ҳам, бу Аллоҳ пешанамизга ёзган тақдиридандир. Биз тақдирга, унинг яхшисию ёмони Аллоҳдан эканига иймон келтираемиз. Гоҳида оғир кунлар келса, мусибатга учрасак, яхши кўрган инсонларимизни йўқотсак, асло жазавага тушмаймиз. Бунинг ортида ўзимиз билмаган, фақат яратганга аён бўлган ҳикматлар яширинганига аминмиз. Кўрган-кечирганларимиз аслида ўзимизнинг фойдамизга бўлишига ишонамиз. Бизни синаганда, сабр қиламиз. Натижада катта ажру савобларга сазовор бўламиз. Йўқотганларимизнинг ўрнини эса келажакда яратган эгамиз тўлдириб беради. Мана шуларни билганимиз учун ҳам бизга оғир кунлар келганда худодан нолимай, Уни яхши кўришда давом этаверамиз.

Саолибий биргина иборани тамсил сифатида келтириш орқали шундай чуқур ҳаётий ҳақиқатни очиб бермоқда. Бу ҳам унинг етук олим, балоғатли адиб эканига яна бир бор далолат қилади.

Ҳамду сано шаклидаги кўплаб тамсилларни келтирган, муаллиф энди Қуръони карим таркибида бўлган, одамлар ижтимоий ҳаётда тез-тез мақол кўринишида ишлатадиган бир нечта оятларни зикр этади. Шулардан бири:

فَعَسَىٰ أَنْ تَكْرَهُوا شَيْئًا وَيَجْعَلَ اللَّهُ فِيهِ خَيْرًا كَثِيرًا

“Балки сизлар ёмон кўрган нарсада Аллоҳ (сизлар учун) кўпгина яхшилик пайдо қилиши мумкин”.¹⁰¹

Оятнинг тўлиқ ибораси қуйидагичадир:

“Эй, имон келтирганлар! Сизларга хотинларни мажбурий равишда мерос қилиб олиш ҳалол эмасдир. Яна, уларга берган маҳрларингизнинг бир қисмини қайтариб олиб кетиш ниятида хотинларингизга тазйиқ қилмангиз! Агар улар аниқ бузуклик қилсалар (бу мустаснодир). Улар билан тотув турмуш кечирингиз. Агар уларни ёмон кўрсаларингиз, (билиб қўйингки,)

¹⁰¹ Абдулазиз Мансур, “Қуръони карим маъноларининг таржима ва изоҳи. Тошкент: “Шарк”, 2001. 58-б.

балким сизлар ёмон кўрган нарсада Аллоҳ (сизлар учун) кўпгина яхшилик пайдо қилиши мумкин”.¹⁰²

Кўриниб турибдики, оят аёллар, хусусан, рафиқалар билан муносабат мавзусидадир. Бироқ оят охиридаги гап умумий бўлиб, нафақат оилавий муносабатлар, балки ҳаётдаги барча ҳолатларга тўғри келади. Шунинг учун айни иборани тамсил қилиш кўп замонлардан бери одат тусига кирган.

Ушбу ибора маъносига кўра, инсон баъзида ўзига ёкмаган ҳолатларни яшайди. Бироқ бу иш ҳар томонлама ёмон бўлмаслиги мумкин. Аввалбошда нохуш бўлиб кўринган ишларнинг оқибати хурсандчилик билан яқунланиши ҳаётда кўп кузатилади. Муаллиф шу ибораларни узундан-узок шарҳлашдан воз кечиб, оятнинг сўзини келтириш билан кифояланмоқда. Мулоҳаза-мушоҳадани эса ўқувчининг ўзига ҳавола қилмоқда.

Тамсил сифатида келтириладиган оятлардан сўнг Саолибий олдин Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифлари, сўнг бошқа пайғамбарларнинг сўзини келтириб, тамсил кўринишида қўлланишини таъкидлайди. Мазкур ҳадислардан бири:

ومن ذلك ما روي عن النبي: «من تواضع لله رفعه الله».

“Кимки Аллоҳга тавозели бўлса, Аллоҳ уни юксалтиради”.¹⁰³

Маълумки, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг бошқа пайғамбарлардан устун хусусиятларидан бири – “жавомиул калим” сифати мавжудлигидир. Яъни, қисқа иборалар билан кўп маънони ифода этиш. Мазкур ҳадис ҳам шундай иборалар сирасидандир.

“Ким Аллоҳга тавозели бўлса”, дегани инсон ўзининг қайси табақа-тоифага мансублигига қарамай, эгаллик қилиб турган нарсаларига қарамай кеккайишни тарк этса, Аллоҳ унинг даражасини кўтариб қўяди. Ҳам парвардигорнинг даргоҳида юзи ёруғ бўлади, ҳам халойиқ орасида ҳурмати ошади. Кишининг мол-мулки, обрў-эътибори бўлсаю, лекин манманлик иллати бўлса, бу унга ҳурмат-хайбат бағишламайди. Аксинча, бор иззат-ҳурматини ҳам бой беради. Бироқ у қадар мартабали бўлмасада, камтар, тавозели бўлса, ана шу хислати сабабли одамлар унга эҳтиром кўрсатадилар.

Тамсил сифатида келтирилган бошқа бир ҳадисда айтилишича:

إن الله يحب معالي الأمور، ويبغض سفاسفها.

“Аллоҳ ишларнинг олий-юксакларини яхши кўради. Енгил-елпиларини эса ёмон кўради”.¹⁰⁴

¹⁰² Нисо 19

¹⁰³ Абу Мансур Саолибий, “Китаб ат-тамсил ва-л-муҳадарат”. ЎзФа ШИ қўлёзмалар фонди. Қўлёзма. №1848 – III. 135 а-б.

Ушбу тамсил ҳаётда шиор қилиб олишга арзийдиган ибора. Унда инсон ўз кадрини билиши, катта мақсадлар сари интилиши лозимлиги уқтирилмоқда. Ўзини тубан, пасткаш ишларга қўйиш эса худога ҳам ёқмайдиган қилиқ эканлиги айтилмоқда.

Муаллиф бундан сўнг Таврот, Инжил, Забур каби муқаддас китобларда келиб, кейинчалик одамлар орасида мақол тарзида истеъмолга кирган тамсилларни келтиради. Тавротдан қуйидаги ибораларни зикр этади:

ما يمثل به من التوراة:

من يظلم يخرّب بيته.

“Кимда-ким бировга зулм қилса, ўз уйини хароб қилган бўлади”.

Яъни, зулм жазосиз солмайди. Бир кун қилган қилмишининг касофати ўзига қайтади. Зулм қилганда нафақат ўзига ёмонлик келтиради. Балки хонадонига ҳам бало келишига сабаб бўлади.

ارحم من في الأرض، يرحمك من في السماء.

“Ердагиларга раҳм қилгин, шунда осмондаги сенга раҳм қилади”.

Ушбу тамсил кишини бошқаларга нисбатан раҳм-шафқатли бўлишга чақиради. “Ердагиларга” дея умумий айтилаётгани шунга ишора қиладики, фақат инсонлар эмас, ҳайвоноту жамодотга ҳам раҳимдил бўлиш талаб этилади. Бу раҳмдиллик эса бекор кетмайди. Бунинг мукофотини худонинг Ўзи беради. Дунё ва охираат ишларини ўнглаб, халойиқ орасида ҳурматли киши қилиб қўяди.

Турли динларнинг муқаддас китобларидан келтирилаётган мазкур тамсиллардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, барча самовий динлар (яхудийлик, насронийлик ва ислом) битта илҳиздан чиқади. Улардаги эътиқодий ва шаръий ҳукмлар турлича бўлсада, ахлоқ-одоб масаласида ҳаммаси бир овоздан олижаноб фазилатларни тарғиб этади.

الغنية في القناعة، والسلامة في العزلة. الحرية في رفض الشهوات.

“Бойлик қаноатда, саломатлик узлатда, озодлик эса хавоий нафс истакларини рад этишдадир”.

Тўғри, қаноатнинг ўзи билан кишининг чўнтаги тўлиб, бой бўлиб қолмайди. Бироқ қаноатли кишида мол-давлатга ўчлик бўлмагани учун айрим бойларда мавжуд бўлмаган кўнгил тўқлиги бўлади. Бу орқали у одамлар наздида бойлардек мартабада бўлади.

“Саломатлик узлатдадир”, деганининг маъноси инсон одамларга канчалик кўп аралашса, кўп гапирса, ўзининг камчиликлари кўриниб

¹⁰⁴ Абу Мансур Саолибий, “Китаб ат-тамсил ва-л-муҳадарат”. ЎзФа ШИ қўлёзмалар фонди. Қўлёзма. №1848 – III. 138 а-б.

қолади. Бундан ташқари истайдими-йўқми, ҳар замонда бошқалар билан келишмовчиликларга боради. Буларнинг бари кўп муносабатга киришув оқибатидадир. Одамларга аралашув қанча кам бўлгани сайин ихтилофлардан, гина-кудурат ва адоватлардан саломат қолади.

“Озодлик ҳавойи нафс истакларидан воз кечишдадир”. Яъни инсон нимагаки ишқибоз бўлса, вақт ўтгани сари шу нарсанинг қулига айланиб боради. Масалан, ичкиликка ружу кўйган киши мастликда қиладиган қилиқлари туфайли одамлар олдида шарманда бўлади. Оиласи, яқинларини ҳам уятга қўяди. Бундай киши ичкиликка қул бўлади гўё. Ҳавойи нафси истаётган ишдан воз кечишга ўзида куч топа олса, озод инсонга айланади.

ليكن وجهك بشأ، وكلمتك لينة تكن أحب إلى الناس ممن يعطيهم الذهب والفضة.

“Юзинг очик бўлсин. Сўзинг ширин бўлсин. Шунда одамлар наздида тиллою кумуш берадиган кишидан ҳам яхшироқ бўласан”.

Ушбу тамсилда ижтимоий алоқаларнинг мустаҳкамлигини таъминловчи олтин қоида айтилмоқда. Модомики биз бошқалар билан муносабатга киришганда асосий воситамиз ташқи кўринишимиз ва нутқимиз бўлар экан, шу икковининг гўзал бўлиши ушбу боғланишнинг муваффақиятли яқунланишига кафолат беради.

Тавротдан тамсиллар келтирилгач, муаллиф энди Инжилда келган, одамлар оғзида машҳур бўлган ибораларни зикр этади.

ومن الإنجيل:

ارج إذا خفت، وخف إذا رجوت.

“Хавфда эканингда, умиддан воз кечма. Эмин-эркин дамда хавф-хатарни унутма”.

Яъни, оғир дамда бўлганингда ҳам бутунлай тушқунликка тушма. Умидни узма. Эмин вақтларда эса батамом хотиржам бўлиб қолма. Ҳеч бир ҳолат тўхтовсиз давом этмайди.

عمرك أنفاسٌ معدودة. وعليها رقيبٌ يحصيها. لا تنسَ الموت، فإنه لا ينساك.

“Умринг санокли нафаслардан иборат. Уни ҳисоблаб берадиган Кузатувчи мавжуд. Ўлимни ёддан чиқарма, чунки у сени асло унутиб қўймайди”.

Дунёда худди ўлмайдигандек яшамаслик керак. Барча нарса ўткинчи эканини ёдда сақлаш лозим. Акс ҳолда инсон дунёнинг матоҳларига берилиб, кўзини ёғ босади.

في سعة الأخلاق كنوز الأرزاق.

“Ахлоқинг яхши бўлса, ризқинг кенг бўлади”.

Дарҳақиқат, хулқ-атвори гўзал инсон одамларнинг эҳтиромини қозонади. Бошқалар билан яхши чиқишиши шарофати билан ишлари ўнгидан келади ва ҳеч кам бўлмайдди.

العافية ملك خفي والهم نصف الهرم.

“Офият (барча нарса маромида бўлиши) – кўринмас давлатдир. Ғам-ташвиш эса ярим кексалиқдир”.

صديق الوالد عم الولد.

“Отасининг ошнаси – боласига амаки”.

Бу билан ижтимоий аҳилликка чақирилмоқда. Ота-онанинг дўстлари билан худди яқин қариндошдек муносабатда бўлишга тарғиб этиляпти.

الرشوة تعمي عين الحكيم فكيف عين الجاهل؟

“Пора – донишманднинг кўзини кўр қиладику. Нодоннинг кўзини эса тасаввур қилаверинг”.

Пора – жамиятнинг ҳам маънавий, ҳам моддий инкирозидир. У зиёли кишиларни ҳам йўлдан уради. Жамиятнинг олд инсонлари айнигандан кейин, оддий халқнинг ҳоли қандай бўлади?!

ابن آدم حريصٌ على ما منع.

“Одам боласи ўзида йўқ нарсага ўч бўлади”.

Ҳақиқатан ҳам, инсон ўзида бўлмаган нарсаларга қизиқувчан бўлади, қўлга киритгиси, кўргиси, егиси келади. Бироқ бу хусусият кўп ҳолларда кишини ножўя ишлар қилишга, ноқулай вазиятларга тушишига сабаб бўлади. Ушбу тамсил орқали ҳар бир инсонга мурожаат қилинмоқда. Ҳар бир кишида мавжуд бўлган хусусиятга ишора қилиб, буни доим ёдда сақлашга ташвиқот қилинапти.

ابك مع الباكين، وضحك مع الضاحكين.

“Йиғлаётганлар билан йиғла, кулаётганлар билан кул”.

Мазкур тамсил ижтимоий жипслик, ҳамжиҳатликка чақиради. Атрофдаги кишилар, ходисаларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини уйғотади. Бошқаларнинг ҳолидан хабар олиш, ғамхўрлик қилиш, шодлик ва ташвишларига шерик бўлишдек олижаноб хулқларга даъват этади. Бунинг тарбиядаги аҳамияти беқиёсдир. Зеро, жамият фақат индивидларнинг ўзига эмас, ушбу индивидларнинг мустаҳкам алоқасига таянади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Абу Мансур Саолибийнинг “Ат-тамсил ва-л-муҳадарат” асарида келтирилган тамсиллар инсонга эстетик завқ-шавқ манбаи бўлиши билан бир қаторда, умуминсоний қадриятлар, олижаноб фазилатларга ўргатади. Одамларда воқеликка нисбатан ҳиссий муносабатни шакллантиради. Ҳаётни теранроқ кузатиш, ўрганиш ва билиш воситаси

бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари тарбия воситаси ҳамдир. Кўзланган мақсадни яхшироқ тушунтириш орқали тингловчини бирор қарор қабул қилишга, хулоса чиқаришига сабаб бўлади.